

**ЭПИЗОТИК ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА  
ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ. ЭПИЗОТИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**Турдикулов А. А .**

Самарқанд вилоят , фавкулодда вазиятлар бошқармаси  
ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчи методисти

E-mail: turdiqulovanvar@gmail.com

**Умаров Х. Ж.**

Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мухторов Ф. Н.**

Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш бошқармаси мутахассиси

**Annotation**

These abstracts contain materials on emergency epizootic animal diseases, infectious diseases, measures to combat epizootics, principles of counteraction, measures to prevent the spread of the disease, isolation and neutralization of the focus of the disease.

**Аннотация**

В данных тезисах собраны материалы по чрезвычайным эпизоотическим заболеваниям животных, инфекционным заболеваниям, мероприятиям по борьбе с эпизоотиями, принципам противодействия, мероприятиям по предупреждению распространения болезни, изоляции и обезвреживанию очага болезни.

**Аннотация**

Ушбу тезисларда ҳайвонларнинг фавкулодда пайдо бўладиган эпизоотия чақирадиган касалликлар, инфекция касалликлар, эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирлари, қарши кураш тамойиллари, касалликнинг тарқалмаслик чоралари, касаллик қўзғатувчи манбани изоляция қилиш, зарарсизлантиришга қаратилган тадбирлари тўғрисида материаллар келтирилган.

**Кириш.** Инфекцион касалликларнинг юқумсиз касалликлардан фарқи - қўзғатувчининг мавжудлиги, касалликни босқичма-босқич кечиши, қўзғатувчига нисбатан антителоларни шаклланишидир.

Инфекцион касалликлар эпизоотиясига қарши курашиш ишлари – бу профилактик ва соғломлаштириш тадбирларининг илмий-асосланган тизимлари ҳисобланади. Эпизоотияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳайвонларнинг ўлимига йўл қўймасдан, уларни соғломлаштириш, касалликнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва одамларни зооантропоноз касалликлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

**Долзарблиги.** Агар 1948 йилда инфекцион касалликлар даражаси умумий касалликларнинг 22% ни ташкил қилган бўлса, 1968 да 7% гача, 1971 йилда 3,6% гача, бугунги кунда эса 0,5% атрофида холос. Инфекцион касалликлар чорвачиликка жуда катта талофат етказди. Масалан: 2001 йилда Англия мамлакати қорамол, қўй ва чўчқаларнинг оқсил касаллиги эпизоотиясидан жами 12 миллиард фунт стерлинг миқдорида зиён кўрган. Инфекцион касалликни олдини олиш билан фақатгина халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирибгина қолмасдан, одамларни зооантропоноз (куйдирги, кутуриш, бруцеллез, туберкулез ва бошқ.) касалликлардан ҳимоя қилинади.

**Амалиётда эпизоотияга қарши кураш 3 та ўзаро бир-бирига боғлиқ йўналишда олиб борилади:**

1. Соғлом худудларда ва аҳоли пунктларида ҳайвонларни четдан келадиган инфекцион касалликлардан ҳимоя қилиш, профилактик ҳамда касаллик тарқалишига йўл қўймаслик тадбирларини ўтказиш.
2. Инфекцион касаллик бўйича носоғлом хўжаликларда, аҳоли пунктларида соғломлаштириш ва уни йўқотиш тадбирларини ўтказиш.
3. Инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан одамларни ҳимоя этиш.

**Эпизоотияга қарши кураш ишлари қуйидаги тамойилларга асосланиши шарт:**

- инфекцион касалликларга қарши курашда давлат нуқтаи назаридан ёндошиш.
- инфекцион касалликларни ҳисоб-китобини тўғри олиб бориш.
- касалликни олдини олиш йўналиши бош мезон деб ҳисоблаш.
- тадбирларни режа асосида ва комплекс олиб бориш.
- инфекцион касалликни олдини олишда ва уни йўқотишда эпизоотик занжирнинг асосий звеносини аниқлаш.

Инфекцион касалликларга қарши курашиш “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда қатъий белгиланган. Қонунда инфекцион касалликларга қарши курашда ва уларнинг олдини олишда ветеринария мутахассисларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳайвон эгаларининг, хўжалик, ташкилот ва корхона раҳбарларининг бурчлари аниқ белгиланган.

Қонунга қўшимча равишда ҳар бир инфекцион касалликка қарши кураш бўйича “Йўриқномалар” мавжудки, унда талаб қилинган барча тадбирларни амалга ошириш ветеринария мутахассислари, ҳайвон эгалари, хўжалик, ташкилот ва корхона раҳбарлари учун мажбурдир.

Инфекцион касалликларга қарши кураш режалари – бу директив режа ҳисобланади, уни бажариш мажбурий, унга материал-техник ресурслар давлат томонидан ажратилади.

### **Эпизоотияга қарши кураш тадбирларини комплекс тамойили.**

Бу эпизоотик жараённинг учала ҳаракатлантирувчи кучларига қарши ўтказиладиган тадбирларнинг уйғунлиги, яъни:

- биринчидан - касаллик қўзғатувчи манбани ажратиш ва зарарсизлантириш;
- иккинчидан - қўзғатувчини бошқа ҳайвонга ўтиш йўлини узиш, бартараф этиш;
- учинчидан - ҳайвонларни умумий ва махсус чидамлилигини (резистентлигини) ошириш билан ифодаланади.

### **Эпизоотияга қарши кураш тадбирларининг бир-бирига боғлиқлиги.**

Касаллик қўзғатувчи манбани зарарсизлантириш биринчидан эпизоотияни бартараф этади. Иккинчидан соғлом ҳудуддаги ҳайвонларни қўзғатувчи билан зарарланишдан ҳимоя этади, яъни касалликнинг тарқалишини олди олинади.

Касаллик қўзғатувчи манбани йўқотишга қаратилган тадбирлар икки қисмдан иборат:

- касалликка диагноз қўйиш (эпизоотологик, клиник, гематологик, патологоанатомик, аллергик, серологик, иммунологик, бактериологик, вирусологик, биосинов усуллари)
- касаллик қўзғатувчиси манбани изоляция қилиш, зарарсизлантириш (дезинфекция).

### **Касалликни тарқалмаслик чоралари:**

- Носоғлом фермада ҳайвонларини оммавий текшириш натижасида улар 3 гуруҳга бўлинади: а) касаллар; б) касалликка гумон қилинган; в) шартли соғлом ҳайвонлар.
- Касал ҳайвонлар алоҳида бинога (изолятор) ажратилади. Изолятор турар жой ва чорвачилик биноларидан камида 100 метр нарида бўлиши керак.
- изоляторда касал ҳайвонларга қаровчи алоҳида чўпонлар ажратилади, керакли асбоб-ускуналар, махсус ҳимоя кийимлари, озиқ-овқат ва бошқа керакли нарсалар билан таъминланади.
- изоляторга кириш жойида дезобарьер қурилади ва унга бирор бир дезинфектор билан ишлов берилади.
- ишчилар қўлларини зарарсизлантириши учун қўл ювгич, совун ва дезинфекцияловчи эритма, сочиқлар билан таъминланади.
- айрим касалликлар инфекцияси манбаини йўқотиш учун касал ҳайвонларни даволаш тадбирлари ўтказилади, баъзан эса касал ҳайвонларни сўйиш, куйдириш йўли билан йўқотиш талаб этилади.



Касалликка гумон қилинган ҳайвонлар - булар ҳарорати қўтарилган, клиник белгилари ёрқин намоён бўлмаган ёки серологик реакцияда гумон натижа берган ҳайвонлар.

- бу ҳайвонлар ҳам алоҳида жойга ажратилади ва қайтадан диагностик текширишлар ўтказилади. Текшириш натижасига қараб касаллар ёки шартли соғлом ҳайвонлар гуруҳига қўшилади.

Шартли соғлом ҳайвонлар гуруҳида ўтказиладиган тадбирлар:

- Бу гуруҳ ҳайвонлари ветеринария назоратида бўлади, то касаллик чиқиши тўхтагунча мунтазам диагностик текширилиб турилади. Бу гуруҳ ҳайвонлари инфекцион касаллик характериға қараб ёки дарҳол вакцинация қилинади ёки даволаш препаратлари, умумий профилактика тадбирлари ўтказилади

### **Касаллик қўзғатувчи манбани изоляция қилиш, зарарсизлантиришға қаратилган тадбирлар.**

Бу ташқи муҳитдаги қўзғатувчиларни фаолсизлантиришға (дезинфекция) йўналтирилган. Инфекцион касалликларда касаллик қўзғатувчи манба бўлиб, касал, касалдан ўлган, касалдан тузалган, бироқ қўзғатувчи ташувчи бўлиб хизмат қиладиган ҳайвонлар, уларнинг сийдиги, ахлати, сўлаги, кўз ёши, бурун ва жинсий аъзоларидан чиққан суюқликлар таркибидаги организмдан ажралган қўзғатувчилар билан ифлосланган бино, яйраш майдончалари, яйлов, сув ичиш жойлари хизмат қилади. Касаллик қўзғатувчи манбани йўқотишға қаратилган тадбирлар ўлган ҳайвонларни, аборт вақтида ташланган ҳомилаларни тезда йиғиштириш ва куйдириш, бино, яйраш майдончаларида дезинфекция тадбирларини ўтказишдан ташкил топади.

### **Инфекция қўзғатувчисининг ўтиш механизмиға қарши тадбирлар**

Носоғлом фермада касаллик қўзғатувчиси юқиши мумкин бўлган соғлом ҳайвонларни, аввало, касал ва касалликка гумон қилинган гуруҳлардан узоқроқ сақлашға эришилади. Тадбирлар қўзғатувчининг контакт, алиментар, ҳаво орқали ва трансмиссив йўллар билан ўтишиға қарши қаратилган бўлади.

Соғломлаштириш тадбирлари касаллик қўзғатувчисининг ўтиш механизмиға тўсқинлик қилишға ёки бутунлай йўл қўймасликка йўналтирилган бўлади. Гарчи ҳар бир касаллик қўзғатувчисига ўзига хос (махсус) ўтиш механизми бўлса-да, унинг амалға ошишида кўпгина ташқи муҳит объектлари, қўзғатувчининг турли хил тарқалиш йўллари иштирок этади. Шунинг учун касаллик қўзғатувчисининг ўтиш механизмини ва тарқалиш йўллари маълум бир касалликда аниқлаш, унинг ўтишиға дарҳол тўсқинлик қилишға ёки бутунлай бартараф этишға асос бўлади

Ҳар бир касаллик қўзғатувчи учун унинг ўтиш механизми махсус ва ўзига хос бўлгани учун эпизоотияға қарши курашиш тадбирлари ҳам махсус бўлади. Респиратор касалликларда тадбирлар ҳайвонларни сақлаш шароитларини яхшилашға

йўналтирилган бўлса, алиментар инфекцияларда - озуқалар, яйловлар алмаштирилади, озуқалар зарарсизлантирилади ва индивидуал озиқлантириш ва сув бериш ташкиллаштирилади.

Трансмиссив касалликларда - қон сўрувчи ҳашаротларга қарши дезинсекция тадбирлари ўтказилади.

Мунтазам дезинфекция, дезинсекция, дезакаризация ва дератизация тадбирларини ўтказиш орқали ташқи муҳит объектларини санацияда сақлаш эпизоотияга қарши курашишда энг самарали усул ҳисобланади.

### **Эпизоотик касалликларнинг олдини олишда инновацион усуллари ишлаб чиқиш.**

Вилоят фавқулодда вазиятлар ва вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида жойлашган Ветеринария илмий-тадқиқот институти билан бевосита ҳамкорликда эпизоотик касалликларни аниқлашнинг замонавий инновацион усуллари яратиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, институтнинг бруцеллёз лабораторияси олимлари томонидан ҳайвонлар бруцеллёзининг серологик ва аллергик диагностикасини инновацион такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар мисол бўла олади. Бунда ҳайвонлар бруцеллёзини аниқлашда маҳаллий антигенлар ва аллергенларни яратиш борасида илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Материалы и методики ФАО/ВОЗ, 2018г.
2. Ўзбекистоннинг шимолий худудларида куйдирги ўчоқларининг эпизоотологик тахлили //Ж. Зооветеринария. -Т.,2009.-№7.-Б.14
3. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли луғат ва маълумотнома // Тафаккур нашриёти.-Тошкент-2013.-208 б.
4. Теоретические и практические основы борьбы с особо опасными инфекционными заболеваниями животных // В сб. мат. 3-ей меж. конф. «Мониторинг распр. и предот. особо опас.бол. ж-х.-Самарканд, 2006.-С. 287.